

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

_____ А.Ю.Умаров

202__ йил “__” _____

“КЕЛИШИЛДИ”

Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги

202__ йил “__” _____

Рўйхатга олинди: №

202__ йил “__” _____

АМАЛИЙ ГЕОГРАФИЯ

ФАН ДАСТУРИ

Билим соҳаси: 100000- Гуманитар

Таълим соҳаси: 110000- Педагогика

Талим йўналиши: 5110500 –География ва иқтисодий билим асослари

Фан/модул коди AMGeo 200-	Ўқув йили 2022-2023	Семестр 6	ECTS- Кредитлар 6	
Фан/модул тури танлов	Таълим тили Ўзбек/рус		Ҳафтадаги дарс соатлари 6	
1.	Фан номи	Аудитория машғулоти (соат)	Мустақил таълим (соат)	Жами юклама (соат)
	Амалий география	90	90	180
2.	<p>I. Фаннинг мазмуни</p> <p>Фанни ўқитилишидаги мақсади - талабларга географик илмий ва амалий билимларни янада чуқурроқ таҳлил қилиб, табиат ва жамиятдаги мавжуд ҳамда вужудга келаётган табиий географик, геоекологик, ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилишнинг илмий асослаш йўллариغا оид билимлар беришдир.</p> <p>Фаннинг олдида қўйган вазифалари- қуйидагилардан иборат: жамият ва табиат ўртасидаги ўзаро муносабатларни оптималлаштириш, табиий географик жараёнларни ўрганиш, инсон хўжалик фаолияти таъсирида табиий муҳитни ўзгаришини аниқлаш, табиий комплекслар ва уларнинг ўрганишнинг илмий ва амалий аҳамияти, табиий-географик жараён ва ҳодисаларни тадқиқ қилишнинг амалий аҳамияти, табиатдан фойдаланишнинг ҳудудий-географик муаммолари ва уларнинг ечими, табиат ресурсларидан фойдаланиш меъёри, экологик мувозанат ва унинг бузилиши ҳамда оқибатлари, географик баҳолаш, географик башоратлаштириш ва башорат, экологик муаммолар ва улар ечимининг амалий-географик асослари ҳақида талабаларга билимлар бериш ва тегишли малакаларни шакиллантириш.</p> <p>II. Асосий қисм (маъруза машғулоти)</p> <p>II.1. Фан таркибига қуйидаги мавзулар киради:</p> <p>1-МАВЗУ: Фаннинг мақсад ва вазифалари, тадқиқот усуллари. Амалий географиянинг методологик асослари.</p> <p>Фаннинг мақсади ва вазифалари, қисқача ривожланиш тарихи. Ўқув фанининг табиий ва иқтисодий-ижтимоий географиянинг алоҳида йўналишлари жумладан ландшафтшунослик, табиий ресурслардан оқилана фойдаланиш, геоекология, таълим тизими кабилар билан алоқалари. Географиянинг бевосита амалиёт билан боғиқ соҳалари.</p> <p>Амалий географиянинг илмий йўналишлари ва тадқиқот методлари. Жамият-табиат тузилишидаги ўзаро таъсир ва алоқадорликлар. Табиий муҳитни алмаштиришнинг моҳияти ва истиқболлари. Табиий комплекслар ва уларнинг ўрганишнинг илмий ва амалий аҳамияти.</p>			

2-МАНЗУ. Амалий географиядаги асосий йўналишлар: агрогеографик, ер кадастри, муҳандис географик тадқиқотлар ҳамда тиббий-географик тадқиқотлар

Қишлоқ хўжалик мақсадларида олиб бориладиган ландшафт тадқиқотлари. Қишлоқ хўжалик мақсадларида табиий географик раёнлаштириш. Ландшафт-ерозион ривожлантириш. Табиий географик комплексларини ўзлаштириш ва суғориш учун комплекс баҳолаш. Инженер-географик йўналиш. Саноат корхоналарини жойлаштиришда амалий географиянинг роли ва аҳамияти. Муҳандис –географик ва гидрогеологик изланишларда ландшафт-индикация методи. Ландшафт архитектураси. Йўл қуриш, шаҳар қурилиши нуқтаи назаридан табиий географик раёнлаштирилишлар. Инсон табиатига таъсир этувчи асосий омил сифатида.

3-МАНЗУ. Ер юзи табиатининг ривожланиш тарихи

Геохронологик жадвал ва унинг босқичлари. Эон, эра, даврлар, уларни ажратиш мезонлари. Эра ва даврларга қисқача изоҳ. Тоғ бурмаланиши босқичлари.

4-МАНЗУ. Геотизимлар ва уларнинг поғонасимонлиги

Геотизим тушунчаси. Геотизимларнинг хусусиятлари. Геотизимларнинг сайёравий, минтақавий ва маҳаллий кўлами. Ландшафт кичик геотизим сифатида. Жой, Урочише. Фацция

5-МАНЗУ. Жамият ва табиат ўртасидаги муносабатлар

Географик муҳит, табиий муҳит, техноген муҳит, ижтимоий муҳит тушунчалари, уларнинг атроф муҳит категориясида уйғунлашуви. Инсон ва табиат ўртасидаги муносабатларнинг ривожланиши: ибтидоий жамоа даври, деҳқончилик инқилоби даври, саноат инқилоби даври, фан-техника инқилоби даври, экологик муносабат даври.

6-МАНЗУ. Географик баҳолаш ва географик прогноз

Географик баҳолаш усуллари. Ер ресурсларини баҳолаш. Иқлимий ресурсларни баҳолаш. Рекреация ресурсларини баҳолаш.

Географик прогноз ҳақида тушунча. Прогноз усуллари. Сайёравий, минтақавий ва маҳаллий географик прогнозлар. Ўзбекистон геотизимларининг ўзгаришини прогнозлаш.

7-МАНЗУ. Атроф–муҳит мониторинги ва географик-экологик экспертиза асослари

Мониторинг ва унинг турлари. Ўзбекистонда атроф муҳит мониторингини амалга ошириш. Географик-экологик экспертиза ҳақида тушунча. Экспертиза учун зарур бўлган маълумотлар. Эксперт хулосасининг тайёрланиши.

8-МАНЗУ. Замонавий урбанизация ва миграция жараёнларининг хусусиятлари

Урбанизация жараёни ва унинг омиллари. Шаҳарларнинг тарихий илдизлари ва ривожланишининг босқичлари. Дунёнинг йирик минтақалари орасида шаҳарлашув даражасидаги фарқлар. Ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда урбанизациянинг ўзига хос хусусиятлари. Глобал шаҳарлар ҳақида тушунча. Шаҳарлашув муаммолари

Аҳоли миграцияси ва унинг турлари. Халқаро аҳоли миграциясининг ҳозирги замон географияси. Халқаро миграцияларнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий аҳамияти.

9-МАВЗУ: Дунёнинг геосиёсий тизими ва унинг шаклланиши “Геосиёсат” тушунчасининг моҳияти ва мазмуни. Геосиёсат объекти ва предмети. Геосиёсатнинг асосий категориялари. Давлатларнинг ўзаро геосиёсий муносабатлари ҳақида. Дунё геосиёсий тизимининг шаклланиш босқичлари: Вестфал даври, Вена даври, Версал даври, Потсдам даври ва Беловеж даври

10-МАВЗУ: Жаҳондаги замонавий геосиёсий вазият. Давлатларнинг интеграцион уюшмалари

Дунёнинг етакчи геосиёсий марказлари. Ғарбий ва Шарқий Европадаги геосиёсий жараёнлар. Геосиёсий муносабатларда АҚШ нинг тутган ўрни ва маъқеи. Россиянинг геосиёсий манфаатлари. Хитойнинг геостратегик сиёсати. Яқин Шарқ давлатларида геосиёсий вазият. Кўп қутубли дунё шаклланиши ва ривожланиши истиқболлари.

Давлатларнинг интеграцион уюшмалари. Давлатларнинг интеграцион уюшмаларнинг мақсадлари ва шакллари. Европа Иттифоқи. Шимолий Америка давлатларининг эркин савдо уюшмаси (НАФТА). Осиё-Тинч океани иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти. Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги. Шанхай ҳамкорлик ташкилоти.

11-МАВЗУ: Ўзбекистоннинг геосиёсий ўрни ва муносабатлари

Ўзбекистон географик ўрнининг ўзига хос хусусиятлари. Республикамиз географик ўрнининг геосиёсий жиҳатлари: имкониятлар ва таҳдидлар. Ўзбекистон ташқи сиёсатининг асосий тамойиллари. Жаҳондаги геосиёсий вазиятнинг Ўзбекистонга таъсири, мамлакатимиз ташқи сиёсатининг географик жиҳатлари. Ўзбекистоннинг стратегик ҳамкорлари. Республикамиз ШХТ, МДХ, ОҚХФ (Оролни қутқариш Халқаро фонди) каби ташкилотларда иштирок этиши ва бунинг аҳамияти.

Эслатма. 10-sinf Geografiya (Amaliy geografiya) fani mavzulari orasidagi 32-§. O'zbekistonning ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishi mavzusi, oliy ta'limda Iqtisodiy va ijtimoiy geografiya (O'zbekiston iqtisodiy ijtimoiy geografiyasi)da, 33-§. O'zbekistonning geoekologik muammolari mavzu esa oliy ta'limda Ekologiya va tabiatni muxofaza qilish kursida o'qitiladi. 31-§. O'zbekistonning geosiyosiy o'rnini va munosabatlari mavzusi esa oliy ta'limda Siyosiy geografiya kursi mavzulari orasidan o'rin olgan.

	<p>III. Амалий машғулотлар бўйича кўрсатма ва тавсиялар</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Фаннинг мақсад ва вазифалари, тадқиқот усуллари. Амалий географиянинг методологик асослари. 2. Амалий географиядаги асосий йўналишлар: агрогеографик, ер кадастри, муҳандис географик тадқиқотлар ҳамда тиббий-географик тадқиқотлар 3. Ер юзи табиатининг ривожланиш тарихи 4. Геотизимлар ва уларнинг поғонасимонлиги 5. Жамият ва табиат ўртасидаги муносабатлар 6. Географик баҳолаш ва географик прогноз 7. Атроф–муҳит мониторинги ва географик-экологик экспертиза асослари 8. Замонавий урбанизация ва миграция жараёнларининг хусусиятлари 9. Дунёнинг геосиёсий тизими ва унинг шаклланиши 10. Жаҳондаги замонавий геосиёсий вазият. Давлатларнинг интеграцион уюшмалари 11. Ўзбекистоннинг геосиёсий ўрни ва муносабатлари <p>IV. Мустақил таълим ва мустақил ишлар</p> <p>Мустақил таълим учун тавсия этиладиган мавзулар:</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Амалий географиянинг география фанлар тизимидаги ўрни 2. Табиий географик жараёнлар 3. Амалий географияда ландшафт тадқиқотлари 4. Халқаро ва минтақавий ташкилотлар 5. Жаҳон субрегионлари ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш хусусиятлари 6. Амалий географияда танланган асосий илмий йўналишлар бўйича мустақил тадқиқот олиб бориш 7. Амалий географияда муҳандис –географик тадқиқотларнинг аҳамияти. 8. Тиббий географик изланишлар. 9. Айрим ҳудудларнинг табиати ва табиий ресурсларини муҳофаза қилиш тадбирларини ишлаб чиқиш 10. Географик округ ёки раёнларнинг халқ хўжалигининг у ёки бу тармоғини ривожлантириш нуқтаи назаридан географик экспертизани тузиш <p>Мустақил таълим мавзулари талабалар томонидан ўзалштирилади. Мавзулар юзасидан талабалар мустақил иш, тақдимотлар тайёрлаши ва ҳимоя қилиши тавсия этилади.</p>
	<p>V. Курс ишини ташкил этиш бўйича кўрсатмалар</p> <p>Амалий география ўқув фани бўйича курс иши тайёрлаш режалаштирилмаган.</p>
3	<p>VI. Фан ўқитилишининг натижалари (шаклландиган компетенциялар)</p> <p>Фанни ўзлаштириш натижасида талаба:</p> <ul style="list-style-type: none"> - фаннинг мазмуни, моҳияти, мақсади ва вазифалари, табиат ва

	<p>жамият ўртасидаги ўзаро муносабатлар, табиат комплекслари, табиий-географик жараёнлар ва ҳодисалар, Амалий географиядаги асосий йўналишлар: агрогеографик, ер кадастри, муҳандис геогарфик тадқиқотлар ҳамда тиббий-географик тадқиқотлар, табиатдан фойдаланишнинг ҳудудий географик муаммолари ва уларнинг ечими, экологик мувозанат ва унинг бузилиши ҳамда оқибатлари, табиат комплекслари ва ресурсларини географик баҳолаш, географик башоратлаштириш ва башорат, экологик-географик экспертиза ва уни амалага ошириш, экологик муаммолар ва улар ечимининг амалий-географик асосларин ҳақида тасаввур ва билимга эга бўлиши;</p> <p>- Амалий география ўқув фанининг географик фанлар тизимдаги ўрни, унинг бошқа фанлар билан алоқадорлиги бўйича, фанинг асосий предмети, тадқиқот методлари бўйича, фанинг барча умумий ва регионал мавзулари ҳақида аниқ маълумотларга асосланган билим ва тушунчалари бўйича, амалий географияга оид илмий тушунчалар, қонуниятлар, тамойилар, атамалар ва уларнинг мазмуни бўйича, табиат ва жамият ўртасидаги ўзаро боғлиқлик, уларнинг натижа ва оқибатлари бўйича қўникмаларига эга бўлиши;</p> <p>- талаба жамият ва табиат ўртасидаги ўзаро муносабатлар, табиат комплекслари ва табиий географик жараёнлар, табиат унсурларининг бир-бирига таъсири ва унинг натижасида келиб чиқадиган ҳодисалар сабабларини аниқлай олиш ва маълум бир табиий ҳудудий комплексларни таҳлил қилиш ва тавсиф бера олиш малакасига эга бўлиши керак.</p>
4.	<p>VII. Таълим технологиялари ва методлари:</p> <ul style="list-style-type: none"> • маъруза; • кейс-стади; • лойиҳалаш; • модулли таълим; • тақдимотлар қилиш; • кичик гуруҳларда ишлаш; • ҳамкорликда ўқитиш; • муаммоли таълим; • жамоа бўлиб ишлаш ва ҳимоя қилиш.
5.	<p>VIII. Кредитларни олиш учун талабалар:</p> <p>Фанга оид назарий ва услубий тушунчаларни тўла ўзлаштириш, таҳлил натижаларини тўғри акс эттира олиш, ўрганилаётган жараёнлар ва тушунчалар ҳақида мустақил мушоҳада юритиш ва жорий, оралик назорат шаклларида берилган вазифа ва топшириқларни бажариш, якуний назоратниоғзаки шаклда топшириши зарур.</p>
6.	<p>Асосий адабиётлар:</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Баратов П., Султанова Н. Умумий Ер билими. Ўқув қўлланма. Т. “Info Capital Group”, 2019. 2. Баратов П, Маматқулов М, Рафиқов А. Ўрта Осиё табиий

	<p>географияси. (Ўқув қўлланма) Т.: “Ўқитувчи”, 2002.</p> <p>3. Баратов П. Ўзбекистон табиий географияси. (Олий Ўқув юртлари география талабалари учун ўқув қўлланма). Т.: “Ўқитувчи”. 1996.</p> <p>4. Вахобов Х, Абдуназаров Ў, Зайнутдинов, Юсупов Р. Умумий ер билими. Т. “Шарқ” 2005.</p> <p>5. Алимкулов Н.Р., Абдуллаев И.Х., Холмуродов Ш.А. Амалий география Т.: ТДПУ, 2015.</p> <p>6. Баратов П. Ўзбекистон табиий географиясидан амалий машғулотлар. Тошкент, “Чўлпон”, 2005.</p> <p>7. Ғ.Йўлдошева. Мелиоратив тупроқшунослик. Т., 2008.</p> <p>8. Мирзалиев Т. ва бошқалар. Карташунослик. Т. “Чўлпон”. 2012.</p> <p>9. Нартов Н.А. Геополитика. М., 2004.</p> <p>10. Рафиқов А. ва бошқалар. Геоэкология асослари. Т., 2015.</p> <p>11. Шарипов Ш. М., Федорко В. Н., Сафарова Н. И., Рафиқов В. А. География (Амалий география) Т., О‘zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2017</p> <p>Қўшимча адабиётлар</p> <p>12. Нигматов А.Н. Юсупов Р. Табиий географик комплекслар ва экзоген жараёнлар. -Т.: Турон Иқбол, 2006.</p> <p>13. Нигматов А.Н. Абдирамов С.Ж. Геоэкологический оценка и мониторинг дельтовых равнин. -Т.: Турон иқбол, 2006</p> <p>Ахборот манбалари:</p> <p>14. www. tdpu.uz</p> <p>15. www. pedagog.uz</p> <p>16. www. Ziyonet.uz</p> <p>17. www. bilim.uz</p> <p>18. www. gov.uz</p>
7.	<p>Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашининг 202__ йил “__” _____ даги _____ -сонли баённомаси билан маъқулланган.</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 202__ йил “__” _____ даги _____ - сонли буйруғи билан маъқулланган фан дастурларини таянч олий таълим муассасаси томонидан тасдиқлашга розилик берилган.</p>
8.	<p>Фан/модуль учун маъсуллар:</p> <p>Н.И.Сафарова – ТДПУ, “География ва иқтисодий билим асослари” кафедраси доценти, география фанлари номзоди</p> <p>Н.Б.Султонова - ТДПУ, “География ва иқтисодий билим асослари” кафедраси катта ўқитувчиси</p>
9.	<p>Такризчилар:</p> <p>М.Миракмалов – ЎЗМУ “Табиий география” кафедраси мудири, география фанлари номзоди, доцент</p>

С.Шодиев – Навоий давлат педагогика институти “География ўқитиш методикаси” кафедраси мудири, география фанлари номзоди
--

Долойишқа

ЛЮБИМАЯ